

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

**РФ ВА ФРАНЦИЯНИНГ ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ
МАНФААТЛАРИ**

мавзусида

РЕФЕРАТ

Бажарди – IV курс француз □ инглиз гуруҳ
талабаси Аширова М.К.

Тошкент 2010

МУНДАРИЖА

Бет

1 БОБ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	8
1.1. Миллий манфаатларни тадқиқ этишнинг асосий назарий ёндашуви.....	8
1.2. Миллий манфаатларнинг тушунчаси ва турлари.....	12
 2 БОБ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ ЗАМОНАВИЙ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИ.....	 17
2.1. Россия Федерациясининг Африка давлатлари билан ҳамкорлик йўналишлари.....	17
2.2. Россиянинг Шимолий Африкадаги ҳаётий манфаатларининг трансформацияси.....	24
 Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	 50

1-БОБ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.

1.1. Миллий манфаатларни тадқиқ этишнинг асосий назарий ёндашуви.

Бугунги кунда миллий манфаат категорияси халқаро муносабатлар соҳасининг мутахассислари томонидан кенг қўлланилмоқда.

Миллий манфаат категорияси нафақат бугунги кун олимларининг, балки Н.Макиавелли ва Дюмадан бошлаб кўпгина тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келган. Аммо миллий манфаатлар давлатларнинг стратегиясини тушунишда асосий категория сифатида қаралмаган.

Давлатлар билан уларнинг шахсий манфаатлари бирдек ҳаракат қилиши ғоясига Н.Макиавелли томонидан асос солинган¹.

Тарихда миллий манфаат ўрнида “давлат” манфаати (raison d’ Etat) категорияси тушунилган. Француз қироли Людовик XIV нинг шундай ибораси бор: “Давлат – бу мен”².

XVIII аср охирида “миллий суверинитет” термини монарх ҳокимиятининг юқори турувчи манбаи сифатида тан олинмаслиги, шунингдек давлат манфаатини шакллантиришда юксак ҳуқуқнинг чекланганлиги сабабли кенг миқёсда фойдаланилади³.

Миллий манфаат шаклланиши ва эволюцияси шуни кўрсатадики, ушбу тушунча ҳокимиятга оппозицион руҳда бўлган сиёсий раҳбарларлар ва умумий гуруҳлар томонидан анъанавий тарзда шакллантирилган. Миллий манфаат ҳеч қачон мавжуд ҳокимият томонидан жамиятнинг кенг қатламига тақдим қилинувчи дастур сифатида кўрилмаган.

¹ Kennan G. Morality and Foreign Policy. // Foreign Affairs. Winter 1985/86. – www.foreignaffairs.org

² Четырнадцать пунктов В.Вильсона. - <http://www.grinchevskiy.ru/1900-1945/chetirnadcat-punktov.php>

³ Ревякин А.В. История международных отношений в новое время. -М.: РОССПЕН, 2004. –С. 119-121.

XX асрда миллий манфаат тушунчаси сиёсий фанлар, шу жумладан халқаро муносабатларда ўрганилди. Халқаро муносабатларга миллий манфаат терминини киритишда америкалик тадқиқотчилар Р.Нибур ва Ч.Бирд тан олинади.

Умуман олганда миллий манфаат бошқа давлатга босим ўтказиш қўлланмаларини кучайтириш механизмигина бўлиб қолмай, балки хавфсизлик, қуролсизланиш, тинчлик ва тенглик шароитида давлатлар ҳамкорлигини таъминловчи восита ҳамдир. Халқаро ҳамкорлик давлатларнинг миллий манфаатларини самаралироқ кафолатловчи шароит сифатида хизмат қилиши мумкин.

Миллий манфаат тушунчаси аввалам бор жамиятнинг олий кадриятларининг кафолати бўлмиш давлатчилик ғоялари билан чамбарчас боғлиқ. Давлатнинг яшовчанлигини, унинг хавфсизлигини таъминлашда ҳар қандай воситани олий мақсад сифатида ёқлаб тан олиш мумкин. Ушбу фикр бошқа акторлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда фақатгина шахсий манфаатларни тан олиш шаклида ифодаланади.

Рус эксперти Т.Алексееванинг фикрича миллий манфаат категорияси мазмуни унинг ўрнини сиёсатни амалга ошириш ва шакллантириш алгоритмида белгилаш орқали тушунтирилади: жамиятнинг объектив эҳтиёжлари, уларнинг ўз эҳтиёжларини англаши- субъективлик (миллий манфаатнинг шаклланиши) – давлатчиликда миллий манфаат трансформацияси (сиёсий, дипломатик, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа воситаларни амалга оширувчи ташқи сиёсий мақсадларни белгиланиши) – давлатнинг мавжуд ресурслар салоҳиятини таҳлил қилиш – халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари томонидан қаршилик салоҳияти ёки қўллаб-қувватлаш турларини аниқлаш - ташқи сиёсий (ёки ички сиёсий) фаолияти (муайян мақсадларни амалга ошириш) - ютуқларни баҳолаш ва янги вазифаларни белгилашдир¹.

¹ Алексеева Т.А. Рациональный эгоизм национального интереса (Материалы круглого стола) // Полис. 1995. № 1. С. 92-93.

Халқаро муносабатларга кириб бораётган давлат ўз ташқи сиёсий мақсадларининг идеаллик ва шахсий манфаатлар асосига қуради. Унинг доим эгоистиклиги ҳам, чегара билмаслиги, мақсад ва манфаатларга етишишга тинмай интилишидир.

Тор маънода миллий манфаат тушунчасини давлатнинг ҳудудий жойлашувини, асосий бошқарув инструментларини, сиёсий мустақиллигини (суверенитет), мавжуд иқтисодий моделларини, маданий миллий ўзлигини сақлаш, иқтисодий ривожланиш ва тараққиётни таъминлаш, оптимал демографик мувозанатни ва жамиятадаги ҳаёт даражасини ушлаб турувчи тизим сифатида қабул қилиш мумкин. Халқаро аренада сиёсий акторларнинг ўзаро боғлиқлигини ортиши улар суверенитетининг қайта изохланиши билан алоқадор бир қанча муаммоларни юзага келтиради. Шубҳасиз давлатлар деярли ҳар доим бошқа сиёсий иштирокчиларнинг ҳам турли манфаатларини ҳисобга олишга мажбурлар. Кенг маънода миллий манфаат қуйидаги фаолият доираларни қамраб олади: ҳорижда ўз фуқороларининг ҳаёти ва мулки ҳимояси, миллий иқтисодиётга протекционизм муносабати, чет эл бозорларига миллий товар кириш ҳуқуқини кенгайтириш ва ҳомашё билан таъминлаш ҳамда бошқалар.

Миллий манфаатлар иерархик тузилишга эга бўлган, уларни вақт бўйича барқарорлик кўлами, муҳимлилик даражаси ва бошқа жиҳатларга ажратиш мумкин. Масалан, миллий манфаатларни сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ғоявий, маданий, информацион соҳаларга бўлиш мумкин. Вақтга нисбатан барқарорлик кўламига кўра миллий манфаатлар бевосита бир йилгача қисқа муддатли (1 йилдан 5 йилгача), ўрта муддатли (5 йилдан 20 йилгача), узок муддатли (20 йилдан 50 йилгача) давомийликка ажралади.

Иштирокчи томонлар ўртасидаги муносабатлар бўйича миллий манфаатлар конфронтацион, тарқоқ ҳамда биргаликдаги кўринишларига бўлинади. Географик йўналиш ва масштабига кўра глобал, минтақавий, маҳаллий жиҳатларга ажралади. Миллий манфаат- бу абстракт ва субъектив категориядир.

“Миллий манфаат” ва “давлат манфаати” каби асосий тушунчаларнинг ўзаро муносабати масалаларига тўхталиб ўтилса, россиялик профессор Э. Поздняков “миллий манфаатни” асосан “давлат манфаати” сифатида эътироф этади¹. Ўз навбатида халқаро миқёсда глобаллашув жараёни кучаймоқда, “миллий давлачилик” (“Nation State”) асослари ривожланмоқда ва фуқоролик жамияти сари илғор қадамлар қўйилмоқда. Шу муносабат билан, мазкур муаммоларни ёритиш жараёнида эстатик ёндашув “миллат манфаатлари” ва “давлат манфаатлари” тушунчаларини кенг маънода “миллий манфаатлар” деб юритиш имконини беради.

Бугунги кунда миллий ва умуминсоний манфаатлар ўртасидаги фарқли чизиқлар аста – секинлик билан силлиқланиб, айти пайтда бу жараёнда миллий манфаатлар ўзгармоқда ва глобаллашув вазиятида янгича хусусият ва вазиятларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда кенгайиб бормоқда. Шу ўринда инглиз сиёсатшуноси Жозеф Френкель мазкур ҳодисанинг объектив сабабларини таҳлил қила туриб, “динамизм - бу “миллий манфаатлар”ни аниқлаш сари бўлган ихтиёрий ёндашувда энг муҳим аҳамият касб этувчи омил”² деган фикр билдиради.

Айти пайтда “миллий манфаатлар ўз характериға кўра субъективдир... улар қарор қабул қилувчининг, яъни миллатнинг фикридир”³, каби қарашлар мавжуд.

Халқаро ҳуқуқнинг субъектлари сифатида ва суверен тенглик тамойилларига кўра барча давлатлар тенгдир. Бироқ, турли давлатларнинг халқаро сиёсий жараёнларида қатнашиш даражаси турлича ва шу муносабат билан муайян бир давлатнинг халқаро мавқеи тўғридан – тўғри унинг миллий манфаатлари кўламиға таъсир қилади.

Совуқ уруш даврида давлатларнинг миллий манфаатлари кўп жихатдан мафкуравий нуқтаи – назардан ўрганилган, бу эса ўз навбатида ҳақиқий таҳлил учун тўсиқ бўлиб келган. Албатта мафкура ҳам “миллий манфаатлар”

¹ Поздняков Э.А., Философия политики, Т.2. М. 1994, с.60.

² Frenkel J. “The National Interest”, Chaucer press, L., 1970, p.127.

³ Furniss E. and Snyder R., “An Introduction to American Foreign Policy”. N.Y., 1995, p.17.

категорияси билан чамбарчас боғлиқ бўлган тушунча, бироқ бу категория миллий манфаатларнинг асл мазмунини тўлиқ очиб бериш учун хизмат қила олмайди.

У ёки бу давлатнинг миллий манфаатлари ҳақида тўлақонли ва ҳаққоний тасаввур ҳосил қилиш учун ушбу давлатнинг олдига қўйган мақсадлари билан унинг имкониятлари ўртасидаги муносаббатликни таҳлил қилиш керак. Шу сабабли, миллий манфаатларни комплекс тарзда таҳлил қилиш муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, давлат фаолиятининг умумий жабхалари ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муайян бир қисми ҳар бир давлат миллий манфаатларининг объектив асосларини ташкил қилади. Бу асосларни миллий манфаатларнинг параметрлари сифатида белгилаб олиниши натижасида у ёки бу давлатнинг сиёсатини таҳлил қилиш, шунингдек миллий манфаатлар мезонлари мажмуаси доирасида ушбу давлат фаолиятининг “таянч” йўналишларини аниқлаб олиш имкониятига эга бўлиши мумкин, деган хулосага келиш мумкин.

1.2. Миллий манфаатларнинг тушунчаси ва турлари.

Миллатнинг келиб чиқиши мураккаб тарихий- сиёсий жараён бўлиб, бу жараёнда элатчиликда мавжуд сифатлар (тил, ҳудуд ва маданият бирлиги ва х.к.), янги тарихий жамоада янада бойиб, кенгайиб, барқарор тус олади. Натижада, асрлар мобайнида илғор мамлакатлар аҳолиси миллат шаклида ривожланиб келмоқда. Миллат доимий тарзда ривожланиш ва тараққий топиш хусусиятига эгадир.

«Миллий манфаатлар» айти миллатнинг (этактик ёндашув нуктаи-назардан) ягона тарихий-маданий ва сиёсий жамоа сифатида ўзлигини сақлаб қолиш, кенг қарор топтириш, миллий қадриятларни ва давлат

суверенитетини ҳимоя қилиш, жамият ва шахсининг мустахкам ривожини сиёсий, иқтисодий ва маънавий жихатдан таъминлаш борасидаги онгли мақсад ва талабларидан иборатдир.

“Миллий манфаатлар”, “демократик тараққиёт” ва “сиёсий тамойиллар” ўртасидаги муносабатлар борасида сўз борар экан, глобаллашув жараёнида турли давлатларнинг “миллий манфаатлари” яқинлашуви, мослашуви ва уйғунлашувининг хилма-хил шакллари вужудга келаётганини эътироф этмаслик мумкин эмас. Шу сабабли, жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатлари асосида демократик тамойилларнинг ва ахлоқий андозаларнинг устувор бўлиши давр талаби эканлиги таъкидланмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларда географик омил кўп ҳолларда уч ажралмас компонентнинг, яъни “ҳудуд”, “миллат” ва “сиёсий тузилмалар” бирлигининг акси сифатида намоён бўлмоқда. Айни вақтда муайян давлатларнинг дунё сиёсий харитасидаги мавжуд чегаралари билан баъзан яқин ёки узоқ тарихи ўтмишдан келиб чиққан ҳолда билдирилаётган мулохазалар мамлакатлар миллий манфаатларининг қаноатланмаслик руҳида у ёки бу шаклдаги тўқнашувларига сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир давлатда хорижий сармоялар миқдорининг кўпайиши ташки сармоядорларнинг шу мамлакатда барқарор ривожланиш ва сиёсий тотувлик давом этишидан манфаатдор эканлигини акс эттиради. Бу борада Ўзбекистоннинг муваффақиятли ривожланиши икки муҳим омилга, яъни республиканинг геосиёсий жойлашувига ва табиий захираларининг мўллиги омилларидан унумли фойдалана олишига боғлиқ. Бу жихатдан, барча ривожланган давлатлар билан яқиндан олиб борилаётган ҳамкорлик Ўзбекистон учун катта сиёсий-иқтисодий имкониятлар яратмоқда ва бу келажак учун муҳим стратегик йуналишдир.

Бугунги кун геосиёсий жараёнларида миллий манфаатларни тадқиқ этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарлари муҳим назарий – методологик аҳамият касб этмоқда.

Миллий манфаат мавзуси Ўзбекистон учун алоҳида долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг нафақат Марказий Осиёдаги, балки дунёнинг бошқа минтақаларидаги роли икки томонлама ва кўптомонлама муносабатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишда долзарб аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш, давлатнинг халқаро нуфузини ошириш, геосиёсий салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳозирги давр сиёсацхунослиги ва халқаро муносабатлар назарияси, шунингдек, миллий манфаатнинг асосий тушунчалари билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлигини сақлаш мақсадида амалга ошираётган чора-тадбирлари юқоридагиларга яққол мисол бўла олади. 2008 йил Бухарестда бўлиб ўтган 6+3 гуруҳини тузиш бўйича НАТО/СЕАП саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирок этди. Гуруҳга Афғонистоннинг 6 та қўшниси бўлган давлатлар - Ўзбекистон, Тожикистон, ХХР, Покистон, Эрон, Туркманистон ҳамда АҚШ, Россия ва НАТО киради.

Бундан ташқари минтақа хавсизлигини ва интеграциялашуви дастурининг асосий ўринларидан бирини эгалловчи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам Ўзбекистоннинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси президенти И. А каримов ШХТ нинг ролини хавфсизликнинг минтақавий ва глобал архитектурасини шакллантиришда стратегик муҳим ва улкан Эвросиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик гарови сифатидаги халқаро нуфузли ташкилот,- дея баҳолади. “Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳозирги кунда ШХТ терроризм, сепаратизм, экстремизм ва улкан масштабни қамраб олувчи наркотик ҳуружлари билан курашувчи асосий марказлардан биридир”¹.

¹ Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: ”Ўзбекистон”, 1997, Б.171-172.

Халқаро майдонда глобаллашув жараёнининг кучайиши, коммуникациянинг тараққиёти ва маълумотларнинг эркин тарқалиши кенг кулоч ёзган бугунги даврда “кучлар нисбати” ва “манфаатлар феъл-атвори” ўзгарувчан бўлиб қолмоқда. Шунингдек, “минтакавий низолар купинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий тарзда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда”¹. Бундай ҳодисаларнинг сарҳад билмаслиги, яъни давлатлар чегараларини тан олмаслиги кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда. Айни сабабга кўра ҳар қандай вазиятни таҳлил этишда халқаро муносабатлар субъектларининг миллий манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндашиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Натижада “миллий манфаатлар” категорияси динамикасининг сабабларини очиқ бериш доимий изланишлар марказида бўлиши зарур.

“Миллий манфаатлар” назарияси доирасида “миллат” ва “давлат” каби асосий тушунчаларнинг ўзаро муносабати борасида бир-биридан тубдан фарқланувчи турли илмий оқимлар, жумладан, “сиёсий реализм” ва “сиёсий идеализм” каби қатор йўналишлар мавжуд.

“Сиёсий реализм” оқими ташқи сиёсатнинг мавжуд вазиятга берилган баҳога ва имкониятларга таяниши кераклигини эътироф этади. Мазкур назарияга биноан ташқи сиёсатнинг асосий мақсади кучлар мувозанатини вужудга келтириш, давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳам ўз илмий аҳамиятини тўла йўқотмаган ва амалиётда Ғарб сиёсатшунослари томонидан кенг қўламда тавсия этилаётган “сиёсий реализм” оқимининг намояндаларидан бири Г.Моргентау² миллий манфаатларни бирор умумий қолипларга бўйсундирилишига қаратилган маслаҳатлар ўз моҳиятига кўра мавҳумлигини ва бу каби маслаҳатларга

¹ Стратегия национальной безопасности Соединенных Штатов Америки. 2002 г. - <http://www.whitehouse.gov/nsc/nss/2002/>; Стратегия национальной безопасности Соединенных Штатов Америки от 2006 г. - <http://www.whitehouse.gov/nsc/nss/2006/>

² Hans J. Morgenthau. Politics Among Nations: The Struggle for Power and Peace. NY. 1967. -P. 440

эргашган хамда шу асосда харакат қилган миллат халокатга юз тутишини ва оқибатда ўз манфаатларини амалга оширишда устамонлик билан иш тутган миллатларнинг қурбонига айланишини таъкидлайди.

Айни вақтда “сиёсий идеализм” окими тарафдорлари эса келажакда қонуний-ахлокий ёндашув самарали ташқи сиёсат юритишнинг асосий йули бўлишини тарғиб қилади. Сабаби, умуминсоний қадриятлар, манфаатлар ва ёндашувлар бошқа хусусий манфаатларга, шунингдек, баъзи мамлакатлардаги миллий манфаатлар ҳақидаги анъанавий тушунчаларга нисбатан устувор характерга эга бўлиб бормокда. “Миллий манфаатлар” категорияси “миллат” ва “манфаат” категориялари билан узвий равишда боғлиқ.

2-БОБ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ ЗАМОНАВИЙ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИ.

2.1. Россия Федерациясининг Африка давлатлари билан ҳамкорлик йўналишлари.

Дунё сиёсий кучларининг тарихи давомида Россия ўзининг кучли давлат сифатидаги ролини доим сақлаб қолишга ҳаракат қилиб келганлигини кўриш мумкин. Ўзининг улкан ҳудуди, ҳарбий салоҳияти ва бошқа муҳим геостратегик омиллари билан Россия дунёнинг турли нуқталарига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишга қодир. Шу жумладан, турли сиёсий ўйинчиларнинг тарихдан давом этиб келувчи манфаатлари кесишган минтақа – Шимолий Африка давлатлари билан ҳамкорликка жиддий эътибор қаратади.

ФДУК (Федерал давлат унитар корхонаси) “Рособоронэксперт ” делегациясининг (5-8 октябр 2009 йил) Ливияда бўлган Лавекс – 2009 учинчи араб – африка авиацион кўргазмасида қатнашиши Россияни Шимолий Африка давлатлари билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги эски ва анъанавий ҳамкори эканлигини ёдга солди. Минтақада шунчаки рус қуроллари нигина билишмайди, балки кўпгина маҳаллий ҳарбийлар Россияга илиқ кайфиятда қарашади. Аммо, бу давлатлар билан ХТХ (ҳарбий техникавий ҳамкорлик) соҳасидаги муносабатлар оддий кечмаяпти. Сабаби, Россия Федерациясининг Африка давлатлари билан ҳамкорлик йўналиши ҳарбий соҳа билан узвий боғлиқ. Қуйида бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин.

Миср ўн беш йил давомида Иттифоқнинг йирик ҳамкорларидан бири бўлган. 1967 ва 1973 йиллардаги араб-исроил урушларидан олдин ҳам, урушдан сўнг ҳам Москва бу давлатга исроилликлар билан зиддиятларда ҳал қилувчи ҳарбий ёрдам кўрсатди. 1973 йил жанговор техниканинг туширилиши, Иттифоқнинг ҳаво кўприги туфайли ҳарбий ҳаракатлар жараёнини тубдан ўзгартирилишига эришилди. Аммо, 1972 йил Миср

Президенти Анвар Содат Москва билан ХТХ дан воз кечди. 1978 йил эса кўп миллиардли америка кредитларига Америка ҳарбий техникасини сотиб олиш учун сўнгги нархни белгилади.

Унинг издоши Хусни Муборак секин-аста рус-миср муносабатларини изга солувчи, уларни дўстона босқичга қайтаришга имкон берадиган кенг халқаро муаммолар доирасида изчил сиёсат олиб борди.

Мисрни Американинг ҳарбий ишлаб чиқарувчиларига юқори даражада боғлиқлигига қарамай Ми-17-1В ва Ми-172 вертолётларини олиб келинган, 1999-2000 йилларда Россия билан ХТХ ўз имкониятларини қайта тиклади. 2001 йил Миср Президентининг Москвага ташрифи чоғида техникаларни таъмирлаш ва ЎАЗ (ўлчов асбоблари заводи) олиб келиш хусусида келишув имзоланди¹.

2005 йил Владимир Путиннинг Мисрга ташрифи чоғида ушбу давлатга авиатехника (МиГ-29 СМТ) ва ХКҚМ (ҳаво кучларига қарши муҳофаа) тушириш тўғрисида музокаралар олиб борилди. Иттифоқ давридаёқ ХКҚМ С-125 “Печора” комплексини модернизация қилиш юзасидан шартнома имзоланди².

Ливия ҳам Москванинг йирик ҳамкорларидан саналган. 1980 йил ўрталарида ССРИ бу давлатнинг қуроли кучларига 2300 дан кўпроқ Т-62 танклар, бир ярим минг донадан ортиқ БТР ва БМП зирхли машиналар, кўпсонли артиллерия қуроллари - ўзиюлар “ер-ер” классдаги ракета­лар, ўзиюлар ЗСУ- 23-4 зенитли қурилмалар, МиГ-21 ва МиГ-23 ҳарбий вертолётлар, Су-20/22 ҳужмкор самалётлар, Ми-14 ва Ми-24 вертолётлар, қурилмалар учун кўпсонли ўқдорилар ва эҳтиёт қисмларини етказиб берди³.

2003 йил Ливия раҳбари Кадаффи мамлакатга халқаро экспертларни киргизган ҳолда ОҚҚ (оммавий қирғин қуроллари) ишлаб чиқарилишини расмий рад этиб, Ливия Европадаги терактлар қурбонларига то­вон тўлаш борасидаги масалани ойдилаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

¹ Журнал, Россия и современный мир. №45, 2004.-С.36.

² Шубин А. Россия-2020:Будущее страны в условиях глобальных перемен. М.:Европа, 2005. -С.65-67.

³ Журнал, Россия и современный мир. №51, 2006.-С.54.

Ливиядан санкциялар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1506 сонли резолюцияси билан олиб ташланди. 2009 йилнинг ноябрь ойида Владимир Путин Ливияга нисбатан санкцияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди¹.

Россия ва Ливиянинг ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги (ХТХ) музокаралар доирасида янгиланди. 2007 йил ФДУК “Рособоронэкспорт” Ливияга 2,2 млрд. АҚШ доллари атрафида ҳарбий қурол етказиб бериш шартномасини амалга оширишга киришди².

Жазоир Россиянинг Шимолий Африкада учинчи даражали ҳамкори ҳисобланади. Ёш илғор давлат 1960 йил охирларидаёқ ССРИ дан 300 танк (кўп сонли БТР), артиллерия қуроллари: ўзиюрар “Ари” ва “Чивин” классдаги ракетали катерлар, П-6 торпедали катерлари, 140 та МиГ-15, МиГ-17 ва МиГ-21 ҳарбий вертолётлари, Ил-28 енгил бомбардимон қилувчи ва бошқа техникаларни олган³. 1980 йил Жазоирда радикал ислом гуруҳларининг босқинчиликлари оқибатида унинг Россия билан ҳарбий – техникавий ҳамкорлиги барҳам топди. Улар ўртасидаги ХТХ 2000 йилдан сўнггина тикланди.

2002 йил Россия Жазоирга Су-24 самалётлари, Ми-17, кемалар ўқ отишини бошқаруви учун РЛС етказиб берди. Музокаралар жараёнида томонлар Жазоирга МиГ-29 СМТ, Су-30 ва ЗРК С-300 ПМУ ҳарбий техникаларини етказиш тўғрисида келишишди. Аммо шартномалар Жазоирнинг Россияга қарзлари сабабли тўхтаб қолди. 2006 йил Владимир Путиннинг Жазоирга ташрифи давомида томонлар Жазоирнинг Россиядан 5,5 млрд. АҚШ доллари атрафида қурол сотиб олишига, Россия эса унинг 4,7 млрд. АҚШ долларига эга қарздан воз кечишига келишишди⁴.

Судан 1960 йилдаёқ Иттифокдан ҳарбий техника сотиб оларди. Унинг кўп қисмини модернизациялаш учун БТР, БМП танклари, эҳтиёт қисмлари,

¹ Стародубов В. Россия-США глобальная зависимость. // Россия и мир. М.:Наука, 2007. –С.32.

² Журнал, Россия и современный мир. №43, 2005.-С.67.

³ Богучарский Е.М. Дипломатия внешнего политика Алжира: Эволюция главных направлений и приоритетов. М.:Наука, 2008. –С.123-126.

⁴ Журнал “Международная жизнь”. №8, 2006.

ўқдорилар ташкил қиларди. 2002 йил томонлар ХТХ ни янгилашди. МиГ-29 самалётлари, Ми-17 ва Ми-28 вертолётлари, Т-80 танклар, БМП-3 ва БТР-90 каби техникаларга талаб ортди. Аммо Дарфурдаги конфликтлар ва Суданга қарши қаратилган санкциялар уларнинг ҳамкорлигига тўсқинлик қилди¹. Бошқа Шимолий Африка давлатлари - Марокаш ва Тунис ҳамкорлиги эса анъанавий тарзда ғарбий мамлакатлар - АҚШ ва Франция билан кечади.

Шимолий Африка йўналиши Россия учун бир қанча сабаблар туфайли реал истиқболга эга. Улардан асосийси - Россияга нисбатан Араб дунёсида анъанавий тарзда ҳурмат билдирилиши. Айнан ҳозирги даврда Россия ва Шимолий Африка давлатларида ғоявий қарама-қаршилиқлар учрамайди, муносабатлар эса ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган.

Аммо мавжуд чекловлардан кўз юмиб бўмайди. Рус ҳарбий қуроллари минтақа давлатларига етказиб беришни Иттифоқ даврида мавжуд бўлган қарздорлик муаммосини ҳал қилмасдан амалга ошириб бўлмайди. Бу муаммолар қисман ҳал қилинмоқда.

Минтақанинг бир қатор мамлакатлари (Миср, Тунис, Марокаш) нинг ҳарбий қуролли кучлари Америка ҳарбий қуроллари билан бойитилган. АҚШ бу давлатларнинг асосий ҳамкори саналади. Шу сабаб уларнинг бозорига кириш осон эмас, дея таъкидлайди “Россия и мир”² журналининг экспертлари.

Собиқ Иттифоқ билан Африка ўртасидаги муносабатларнинг анъанавий доираси ҳарбий-техникавий алоқалар соҳасида кечган. Ҳозирги кунда эса Россиянинг Африка давлатларида ҳарбий қуролли кучлар яратиш мақсади кенг кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, иккитомонлама ҳамкорликда, шубҳасиз, бу йўналишда савдо манфаатлари сақланиб қолмоқда.

Шимолий Африка давлатлари билан ҳамкорлик кўламини бугунги кунда ушбу минтақада етакчи ўринга эга бўлган давлат – Жазоир мисолида янада кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинади.

¹ Журнал “Мировая экономика и международные отношения” – М., №4, 2008,

² Журнал, Россия и мир. №35, 2005.-С.87.

Жазоир дипломатияси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири доим Совет Иттифоқи, сўнгра Россия билан бўлган Жазоир ўз мустақиллигини қўлга киритган биринчи кунлариданоқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйди. Бунга сабаб, Жазоир халқи ва раҳбарлари мустақиллик учун кураш даврида юқоридаги давлатлардан маънавий ва моддий кўмак олиб турганларидадир. Эвман келишуви имзоланган ва 1962 йил мустақиллик эълон қилинган, Жазоир муштамлака йўқотишлари ва узок давом этган уруш сабабли мустақиллик асосида иқтисодини тиклаш ва уни ривожлантириш учун ёрдамга мухтож бўлган. Бу борада Жазоирга биринчи бўлиб Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар ёрдам қўлини чўзди.

1960-1980 йилларда Иттифоқ-Жазоир муносабатлари сиёсий, иқтисодий, фан, маданий, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳаларда кенг ривожланди. Иккитомонлама алоқаларнинг ривожланиши ва муштаҳкамланиши ҳар икки давлат манфаатдорлигига жавоб беради. Юқорида айтилганидек, Жазоир ССРИ ни мамалакат мустақиллигини муштаҳкамлаш, ҳаётнинг барча жаҳҳалари ва фаолиятида французлар таъсирига қарши курашда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдам кўрсатадиган куч сифатида кўрди. Ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини муштаҳкамлашда Жазоир раҳбарларининг йўналиши ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар олиб борган нокапиталистик ривожланиш йўлини танлаган давлат томон йўналтирилганлиги, ташқи сиёсатидаги қўшилмаслик ҳолатининг бари Собик иттифоқининг геосиёсий манфаатларига жавоб берарди.

1989 йилдаги Жазоир ва ССРИ да юз берган вазиятлардан сўнг иккитомонлама муносабатлар узоклашди. Аммо, оғир шароит мавжудлигига қарамай рус-жазоир ҳамкорлиги давом этди. Айни вақтда, Ғарб билан муносабатларига эътибор берган ҳолда Жазоир ўзининг “анъанавий” ҳамкорлари билан, биринчи навбатда Ғарб билан муносабатларда асосий рол ўйновчи давлат - Россия билан алоқаларини тиклашдан манфаатдор бўлди.

Ўз навбатида Россия ҳам Жазоирда ўзининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларига эга. Шу сабаб, Жазоирдаги ички сиёсий вазият мураккаблашувини келтириб чиқарган анчагина танаффусдан кейин рус-жазоир алоқалари фаоллашди.

Россия ва Жазоир муносабатларининг илиқлашуви натижасида 2001 йил апрел бошларида Жазоир президенти А. Бутефлики Россияга расмий ташриф буюрди. Ташрифнинг муҳим якуни сифатида Россия ва Жазоир ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида биргаликда Декларация қабул қилинди. ЖХДР (Жазоир Халқ Демократик Республикаси) - Янги Россия стратегик ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолаган биринчи араб давлати. Декларациянинг имзоланиши ҳар икки томоннинг муносабатлари юқори даражада, бугунги куннинг турли чекловларига оптимал ёндашган ҳолда халқаро ҳамжамиятда биргаликдаги ҳаракатларини мустаҳкамлаш вазифасини ўтади¹. Имзоланган ҳужжат икки давлат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда жиддий омил бўлди.

Иккитомонлама рус-жазоир ҳамкорлигининг аҳамиятли тадбири сифатида 2006 йил мартда Россия Президентининг ушбу мамлакатга ташрифи бўлди. Музокаралар жараёнининг диққат марказида Жазоир билан биргаликдаги ҳаракатларининг асосий йўналишлари масаласи турди. Рус-жазоир суҳбатининг муҳим қисмида халқаро долзарб муаммолар юзасидан томонларнинг яқдил ёки мос келувчи позициялари хусусида фикр алмашилди.

В.В. Путиннинг ташрифи туфайли томонлар Жазоирнинг қарзлари муаммоси хусусида яқин истиқболда икки давлатнинг ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги (ХТХ) асосида ўзаро манфаатли ва сифатли ечим топишга муваффақ бўлишди. Муаммоларни изчил ҳал қилишда айниқса ХТХ ривожланиши ҳамда Россия ва Жазоирнинг энергетик соҳада бирлашиш

¹ Листопадова Т.И. Геополитические интересы России в Африке. М.: Экономика, 2002. –С.773.

имкониятлари масалалари алоҳида аҳамиятлидир. Ҳарбий шартномалар табиий газни Европага ўзаро келишув шаротида биргаликда экспорт қилиш истикболлари билан боғлиқ. Россия компаниялари Жанубий, Жазоир компаниялари эса Шимолий Европа бозорларига кириш учун яхши имкониятларни қўлга киритишди. Юқорида айтиб ўтилган келишувни имзоланиши ва қарздорлик муаммоси деярли ёпилгач биринчи ўринга Россия билан энергетика соҳасида муҳим ҳамда истикболли бўлган стратегик ҳамкорлик масаласи кўтарилди.

Россия учун Жазоир биринчи галда ривожланаётган давлатларнинг олди қаторида турувчи халқаро обрўга эга анъанавий сиёсий ва иқтисодий ҳамкор ҳисобланади. Россия - Жазоир алоқаларининг ривожланиши ва яқинлашуви Россия билан ҳамкорликда бой тажрибага эга бўлган араб давлатларига таъсир кўрсатиш ва муносабатларини тиклашга хизмат қилади¹.

Россия – Шимолий Африка ҳамкорлигига хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, гарчи совуқ уруш тугаб, дунё биполяр тизимдан кўп кутбли тизим ҳолатига ўтган булсада, турли минтақаларда миллий хавфсизлигини сақлаш ёки аксинча агрессив мақсадларда қуролланиш пойгаси ҳали хануз давом этмоқда. Бу каби ҳолатлардан эса иқтисодий омил асосий ўрин тутувчи ҳарбий техника савдосидан ривожланган давлатлар фойдаланиб қолишга уринади. Юқорида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан то бугунги кунгача давом этиб келаётган Россия ва Шимолий Африка ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг баъзида пасайиб, баъзан эса авжига чиққанлигининг гувоҳи бўлинди. Дунё сиёсатида ҳарбий қудрат асосий ўринлардан бирини эгаллар экан, у ҳолда Россия Федерациясининг Африка давлатлари билан ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлиги келгусида ўз истикболларига эга.

2.2. Россиянинг Шимолий Африкадаги ҳаётий манфаатларининг трансформацияси.

¹ Географический справочник ЦРУ. Екатеринбург, У-Фактория. 2004. –С.562.

Яқинлашаётган йиллар Россиянинг Африка минтақасига қайтиш даври бўлиши мумкин. Қайтиш биринчи галда Россиянинг иқтисодий манфаатлари юзасидан бўлиб, шу билан бирга бошқа қатор манфаатлари ҳам мавжуд. Россиянинг Африкада олиб бораётган сиёсати ўз хавфсизлигини таъминлаш ва янаям муқобил халқаро тартибга жавобгар йирик давлатлардан бири сифатида ўз ифодасини топади. Аниқроқ айтганда сиёсат - бу биринчи галда минтақадаги у ёки бу жараёнларда Россиянинг фаолиятини белгилайдиган узок муддатли имтиёзлар ва салоҳиятлар тизимидир.

ССРИ парчалангач Россиянинг долзарб сиёсий вазифаларни хал қилишига тўғри келди ва Африка яна бир бор Россия манфаатлари доирасида қолди. Иттифоқ ҳамкорлик тажрибаси муайян аҳамиятга эга, аммо аввалги моделлардан маълум ўзгаришларсиз фойдаланишда на бир наф, на бир имконият бор.

Россиянинг Африка сиёсати принципларини аниқлаш келгуси истиқболда ўз суверенитетини таъминлаш, иқтисод, ички ва ташқи сиёсат соҳаларида мустақил қарорлар қабул қилиш асосларини белгилаш, иқтисодий ривожланиш ва тараққиёт учун кенг шароитлар Россиянинг йирик энергетик давлат бўлиб шаклланишига имкониятлар яратиш мақсадларидан келиб чиқади.

Иқтисодий манфаатлар

Миллий иқтисодий манфаатларни аниқлаш давлат сиёсатини белгилашга кўмаклашиши зарур. Қўйида Россиянинг Африкадаги иқтисодий манфаатларига асосий жихатлар кўрсатилган.

1. Минимум 3 та стратегик муҳим бозорлар – газ, платинали гуруҳ металлари ва олмослар бўйича Африка давлатлари билан ҳамкорлиги нафақат ишлаб чиқариш ҳажми, балки бу бозорлар ривожланиш салоҳиятини белгилаши туфайли Россия дунё етакчиси ўрнини эгаллаши мумкин. Африканинг уран захиралари вертикал – интеграцион тизим қуриш билан

дунё етакилиги учун кураш олиб бораётган “Росатом”¹ учун улкан аҳамиятга эга. Дунё истеъмол тизими газ ва атом энергетикаси томонига силжиши ҳақидаги кенг тарқалган тахминдан келиб чиқилса, рус-африка ҳамкорлигининг аҳамияти янада ортади.

2. Африкадаги манфаат стратегик ҳом ашё турлари билангина тугамайди. Дунё бозорида ҳом ашё экспорт қилувчи давлатлар ролини оширувчи бошқа қазиб олиш саноати тармоқлари борасидаги ҳамкорликдан Россия айниқса манфаатдор. Халқаро қазиб чиқарувчи компаниялар табиий бойликларни ўз жойида қайта ишлаб чиқаришнинг максимал имтиёзли шартларини таклиф қилувчи миллий ҳукуматлар билан рақобатлашишга мажбур. Хозирда миллий ҳукуматлар давлат компаниялари инструментида фойдаланган ҳолда қўлдан бой берилган ташаббусларни қайтариб олмоқда. Корпорацияларга қараганда давлатга ўз мавқеини мустаҳкамлаш қийинроқ.

3. Россия айнан ўз саноат маҳсулотларини узоқ муддатли рақобатбардош бўлган йўналишларга чиқарган тарзда бозорларини кенгайтиришдан манфаатдор. Бозорларнинг кенгайишида албатта сифатнинг ва Россияда иш ўринларининг ортишига хизмат қилиниши назарда тутилади. Африка бозорини биринчи галда ҳарбий - техникавий маҳсулотлар ҳамда йўлдош алоқаси соҳасидаги қурилмалар ва хизматлар, энергетика, геологик қидирув ва бошқа соҳалардаги технологияларнинг турли кўринишлари қамраб олган.

4. Хизматлар экспортини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда хизматлар экспорти товар экспорти давоми бўлади. Энг кўп соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик каби стратегик хизматлар бозори аҳамиятга эга бўлиб, бу бозорлар товар экспорти давоми бўлиши мумкин эмас. Россиянинг хавфсизлик экспорти ЖАИ² минтақасидаги ўзининг ҳарбий қурол ва ҳарбий техника етказиб берувчи йирик давлат сифатидаги ролига тurtки бериши мумкин. Аксинча, соғлиқни сақлаш борасида фармацевтика

¹ Copyright, Журнал, “Стратегия России”. 2004.

² НП “Росафроэкспертиза”. // Рынок здравоохранения АЮС можно оценить в \$25-27 млрд. - 2005 г.

ва тиббиёт саноати соҳасида Россия ички салоҳияти билан ҳисоблашишга мажбур.

5. Африка учун миллий капитал экспорти самаралироқ ҳисобланади. Бундан ташқари капитал экспорти ўзининг салбий жиҳатларини бартараф қилган ҳолда рус иқтисодиётининг мустақил соҳасига айланиб бормоқда.

Иқтисод нуқтаи назаридан келиб чиқилса, ҳар бир давлат учун халқаро савдода экспорт ва импорт улушидаги мусбат сальдонинг юқори бўлиши шу давлат иқтисодининг ривожланганлигидан дарак беради. Россия ҳам бугунги кунда нафақат йирик ҳом ашё етказиб берувчи давлат, балки дунё бозорида ўз маҳсулот ва хизматларини тақсимлашга интилаётган ва айтилиб бормоқда бошқа стратегик табиий бойликларга эга давлатлар иқтисодини изчил ўрганиб, улар билан иқтисодий ҳамкорликдан манфаатдор мамлакатдир.

Хавфсизлик манфаатлари

Ҳозирги даврда масофа ва ҳудуд аҳамияти секин - аста йўқолиб, геосиёсат халқаро муносабатлар тизимида асосий ўлчам бўлишликни тўхтатмоқда. Биринчи ўринга уяли тармоқлар тизими ва трансхудудий муносабатлар чиқмоқда. Бу хусусида Россия ва Африка яқинлигини кўриш мумкин. Россия манфаатлари ҳавфсизлик соҳасида экстремизм, терроризм, уюшган жиноятчилик, исломнинг сиёсийлашуви билан алоқадор беқарорликлар ва диний фарқланишларнинг ҳар қандай кўринишида АҚШ ва унинг тарафдорлари турли минтақаларда олиб бораётган ҳаракатлари билан қарама - қаршиликка эга.

Ўз вақтида Африкада исломнинг сиёсийлашувида бироз антирус кайфиятининг уйғоганлигини кўриш мумкин. Лекин Россияга яқин ва унинг ўзида жойлашган ислом дунёси билан аҳил қўшничилик муносабатларини ўрнатиш “Росафрозэкспертиза” дериктори Андрей Масловнинг фикрича, Россиянинг ўзи учун ҳам бирдек аҳамиятга эга¹.

Глобализация шароитида Россия Африкадаги очлик, касаллик ва ичимлик сувининг етишмаслиги билан боғлиқ гуманитар масалани бир четда

¹ НП “Росафрозэкспертиза”. // Арабские страны западной Азии и Северной Африки. -2006 г.

туриб кузатолмайди. Ушбу Африка муоммоларини яқин давр ичида муайян шароитлар асосида ҳал қилишнинг иложи йўқ экан, унда булар Россиянинг ўзининг ҳам хавфсизлик муоммосига айланиши мумкин.

Сиёсий устувор йўналишлар

“Африка давлатлари қанчалик мустақил ва барқарор бўлса, шунчалик Россия ва рус компанияларига иқтисодий имкониятлар очилади. Шу билан бирга Россия учун хавфсизлик нуқтаи назаридан янада яхшироқ бўлади”, - деб фикр билдиради М. Лебедева¹.

Африкаликлар ўз муоммоларини ўзлари ҳал қилишга қодир эмаслар, ташқи сиёсатларини белгилашда ҳам ҳимояга мухтожлик сезишади², деган фикр мавжуд.

Ташқи кучлар, айниқса европаликлар ва америкаликлар кўпроқ Африкада кейинчалик ечимини қидириш учун атайин муаммоларни келтириб чиқаришади. Бошқача айтганда, ҳали Африка давлатлари ўз муаммоларини ҳал қилиш учун етарлича воситалар тўпламига эга эмас. Шу сабаб, рус аналитиги Владимир Губаревнинг фикрича: “Россия бир вақтнинг ўзида африкаликларнинг мустақиллик ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан ва бу мустақилликни ҳимоя қилишга ёрдам беришдан манфаатдор”³.

Россия катта саккизлик, БМТ нинг Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар таркибида бўлишлиги Африка давлатларининг ўз давлатчиликларини қуришда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўл келиши мумкин. Янаям аҳамиятлиси шуки, минтақада мустамлакачилик манфатларига эга бўлмаса ҳам, Россия Африкада узоқ муддатли иқтисодий ва сиёсий боғлиқлик тўғдирмайдиган ҳамкорликни давом эттириши мумкин.

Шу ҳолат туфайли Россияда кўпгина ташқи рақиблари олдида кутилмаган афзалликлар юзага келади. Энергия истеъмолини ўсиши ҳақида худди шуни айтиш мумкин. Собиқ метропол давлатлар Африкада энергетик

¹ Лебедева М.М. Отечественные исследования процесса ведения переговоров: истории развития и перспективы // Вестник МГУ. Сер.8. Социология и политология. 2007. -В 1. С. 154-165.

² Hans J. Morgenthau. Politics Among Nations: The Struggle for Power and Peace. NY. 1967. – P. 5.

³ Смолин Н. Политический процесс в Современной России. Учебное пособие Проспект. Москва 2006. С.274.

инфраструктуралар куриш юзасидан муайян инструментларга эга эмаслар. Сабаби биринчи галда уларнинг ўзи энергетик ресурсларга етишмовчилик сезишади. Россия энергетик ресурсларни экспорт қилувчи йирик ташқи ўйинчилар ичида ягона давлат. Шу туфайли Россия энергия истеъмолини ўсишидан манфаатдор бўлган ягона кучли ўйинчи, ҳамда Африка учун комплекс энергетик ечимларни етказиб берувчи ҳамдир.

АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари Африкадан нефт, газ, олмос, олтин ва кўпгина бошқа минерал ҳомашёларни импорт қилади. Рус экспертларининг таъкидлашича, Африка давлатларида Россия компанияларининг минерал ресурсларини қайта ишлаб чиқаришдаги иштироки ресурсларни излаш, қазиб чиқариш ва импорт қилиш жараёнида Африка давлатлари учун стратигик номутаносибликларни бартараф қилишга имкон беради¹.

Халқаро ҳамжамият тажрибасидан шу маълумки, дунёнинг турли қисмларида жойлашган минтақалардаги давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий интеграция, уларнинг биргаликдаги ташқи сиёсати ёки турли низоли вазиятларда учинчи томон сифатида кучли ривожланган давлатлар иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда ривожланиб келаётган, нисбатан кучсиз мамлакатларга кўрсатилаётган муносабат - беғараз ёрдамдан ҳам кўпроқ, ўша минтақада кучли давлатларнинг кесишган манфаатлари тўқнашуви эканлиги табиий ҳолат.

Минтақавий уюшмаларга кўмаклашиш

Бирполярли дунё тузилишига қарши туришнинг энг самарали усули – бу дунёнинг турли қисмларида кучли ва мустақил минтақавий уюшмаларнинг вужудга келиши. Россия бундай уюшмаларнинг нафақат собиқ ССРИ ҳудудида, балки Жанубий – Шарқий Осиё, Лотин Америкаси ва Африкада бўлиш тарафдори.

Африкада бор йўғи иккитагина реал фаолият кўрсатаётган минтақавий бирлашма мажуд: бири SADC (Жанубий Африка давлатлари ривожланиш

¹ Журнал, “Россия: роль и место в мировом сообществе”. №32, 2008.-С.61.

хамжамияти) ва иккинчиси ECOWAS (Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий хамжамияти). Иккита бирлашма ҳам аввал иқтисодий иттифок сифатида юзага келиб, кейин секин-аста сиёсий, шунингдек, ҳарбий-сиёсий аҳамият касб этиб борди.

Россия учун минтақавий интеграцион фаолликларга кўмаклашиш биргина сиёсий эмас, шу билан бирга иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. Бу ўринда эътиборни инфратузилмали лойиҳаларга, яъни транспорт, энергетик, коммуникацион тизимларни яратишга қаратиш зарур. Янаям аниқроқ айтганда, электростанциялар, электр узатиш тармоқлари, қувур ўтказмалари, темирўллар қуриш ва бошқалар. Ушбу лойиҳаларнинг юқори даражада ўзини-ўзи қоплаши интеграцион лойиҳаларнинг муваффақиятига боғлиқ. “Боз устига минтақавий бирлашмаларнинг вужудга келиши Россиянинг товар ва хизматларини Африкага ўтишини енгиллаштиради”,- деб ҳисоблайди Андрей Маслов¹.

Минтақавий уюшмаларга кўмаклашиш замирида сиёсий омилдан ҳам кўра кўпроқ иқтисодий омил ётади. Сабаби, Россиянинг асосий рақиб - АҚШ бугунги кунда халқаро сиёсат олиб бориши учун мустақкам инструментларга (НАТО, НАФТА ва бошқалар) эга экан, Россия бошқа минтақаларда, жумладан, Африкада вужудга келган иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий уюшмаларга кўмаклашган ҳолда, улар билан рақобатлашади. Ўз навбатида Африка минтақасидаги давлатлар биргаликдаги савдо – коммуникацион, энерго – иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда Россия Федерациясининг бой тажрибасидан фойдаланиши, ҳар икки томон учун бирдек аҳамиятга эга.

Катта саккизлик давлатлари билан биргаликдаги ҳаракатлар

Африкада экстремизм билан курашишда Россия Ҳиндистон, Хитой ёки Бразилиянинг позицияси билан кўпроқ яқин бўлишига қарамай, шу билан

¹ <http://antropotok.archipelag.ru>

бирга АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқа йирик давлатлар билан ҳамкорлик қилади.

Африкада Европанинг анъанавий иштироки биринчи галда Франция ва Буюк Британия манфаатлари билан боғлиқ. Сабаби қитъанинг кўпгина давлатлари у ёки бу давлатнинг мустамлакалари бўлишган. Ҳозирги даврда Африкада собиқ метропол давлатларнинг таъсири сезиларли пасаймоқда. Бўшлиқни эса АҚШ ва Хитой тўлдирмоқда. Уларга яқиндан бери Ҳиндистон, Бразилия, Яқин Шарқ давлатлари, ҳамда минтақавий етакчи давлат - ЖАР кўшилди¹.

Ҳозирча Россия учун барча Ғарб давлатлари орасида Германия билан ҳамкорлик бирмунча истиқболга эга. Айнан Германия Африка учун йирик экспортёр давлат саналади.

Ҳозирги давра Россия ва Германиянинг ўзаро сиёсий ёки иқтисодий зиддиятлари деярли йўқ. Россия учун манфаатли жихати - Германия АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Голландия ва бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ хорижда фаолият кўрсатувчи ўзининг йирик қазиб чиқарувчи компанияларини жойлаштирмаганлигидир. Германия нефт, газ ва бошқа хомашёларни “бегона” компаниялардан сотиб олишга мажбур. Бу борада Россия учун бошқа мамлакатлар ҳудудига немис капитали ва технологияларини биргаликдаги лойиҳаларга жалб қилишнинг яхши имкониятлари вужудга келади.

Геосиёсатнинг асосий концепсияси ҳисобланувчи “Давлат – тирик организм” тушунчаси бирор давлатнинг юзага келиб, уни ривожланиши, тўғрироқ айтганда яшаш учун курашида табиий манфаатларнинг трансформациясини кузатиш мумкин. Сабаби, ҳар қандай давлатнинг миллий манфаати бошқа бир давлат манфаати билан кесишади. Бундай манфаатлар параллел равишда амалга ошиши мумкин эмас.

¹Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: Россия и мир 1992-2015. –Москва “Экономика”.-2005. С.465.

Шу хусусида, Россия биринчи галда, стратегик ҳом ашё ва шериклар манбаи ҳисобланган Африка минтақасида иқтисодий сиёсатининг долзарб лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан банд.

Иккинчидан, дунё ҳамжамияти барқарорлигига хавф солиб келаётган терроризм, уюшган жиноятчилик, экстремизм ва шу каби иллатга қарши курашишда Россия етакчи давлатлардан бири сифатида Африка давлатларига ёрдам қўлини чўзишдан манфаатдор.

Учинчидан, “Қора китъа” таркибидаги Шимолий Африка давлатлари сиёсий йўналишлари собиқ метропол давлатларидан секин-аста бошқа давлатлар томон ўзгараётган бир вақтда, бу жараёндан Россиянинг ҳам фойдаланиб қолиши табиий ҳол.

Тўртинчидан, мазкур минтақада Россиянинг иқтисодий, сиёсий, табиий - энергетик манфаатларининг амалга ошиши кучли ва мустаҳкам шериклар кўмагига боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Давлат раҳбарлари асарлари

- 1.1. Каримов И.А., Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
- 1.2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 381 б.
- 1.3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 429 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистонининг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. //
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Олтий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 45 б.
- 1.6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.
- 1.7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 77 б.

2. Ҳуқуқий –меъёрий ҳужжатлар

- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
- 2.8. Географический справочник ЦРУ. Екатеринбург, У-Фактория. 2004. – 156 с.
- 2.9. Стратегия национальной безопасности Соединенных Штатов Америки. 2002г.-<http://www.whitehouse.gov/nsc/nss/2002/>; Стратегия национальной безопасности Соединенных Штатов Америки от 2006 г. – 236 с.

3. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилидаги адабиётлар

- 3.10. Мунавваров З.И. Миллий манфаатлар категорияси. –Т.: ЎзФА, 2001. – 258 б.
- 3.11. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Т.: Тошкент, 2008. – 559 б .

Рус тилидаги адабиётлар

- 3.12. Гиясов Бобур, Хасанов Элёр. Дипломатия Египта. –Т.: 2000. – 152 б.
- 3.13. Миркасымов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. – Т.: Академия, 2004. – 242 с.
- 3.14. Петрова Л.П., Каримова Н.Э., Кузьмина Е.М. Региональные аспекты современных международных отношений. ТашГИВ. -Т.: 2002. – 433с.
- 3.15. Сборник научных статей преподавателей, аспирантов и студентов. Актуальные вопросы современных международных отношений. Ташкент-2010. – 225 с .
- 3.16. Белоусова З. С. Франция и европейская безопасность, 1929-1939. – М.: Наука, 1976; Горбатова Е. Вызовы из евростроительства: взгляд из Сената Франции // Мировая экономика и международные отношения. 1999. №11. С.117-122; Михеев В.С. США, Франция и европейская безопасность. – М.: Наука, 1993; Данилов Д.А. Западная Европа на постмаастрихтском этапе: развитие интеграции в сфере безопасности. – М. 2005. – 236 с.
- 3.17. Богучарский Е.М. Дипломатия внешнего политика Алжира: Эволюция главных направлений и приоритетов. М.: Наука, 2008. – 325 с.
- 3.18. Богучарский Е.М. Франция и Алжир. 60-е - 70-е годы XX века. Новая и новейшая история. - 2008. – 278 с.
- 3.19. Васильев А. Россия на Ближнем и Среднем Востоке: от мессианства к прагматизму. -М.: 1993; Видясова М.Ф., Умеров М.Ш. Египет после арабского социализма: в поиске решений. -М.: 1999; Егорин А.З. История

- Ливии. XX век. -М.: 1999; Широков Г.К. Восток: панорама новейшего времени. Избранные научные труды. - М.: 2003. – 495 с.
- 3.20. Листопадова Т.И. Геополитические интересы России в Африке. М.: Экономика, 2002. – 159 с.
- 3.21. Поздняков Э.А., Философия политики, Т.2. -М.: 1994. – 287 с.
- 3.22. Ревякин А.В. История международных отношений в новое время. -М.: РОССПЕН, 2004. – 276 с.
- 3.23. Смолин Н. Политический процесс в Современной России. Учебное пособие. Проспект. Москва 2006. – 326 с.
- 3.24. Фатхутдинов Р.А. Конкуретоспособность: Россия и мир: 1992-2015. – Москва “Экономика”.-2005. – 365 с.
- 3.25. Шубин А. Россия-2020:Будущее страны в условиях глобальных перемен. М.: Европа, 2005. – 148 с.

Ҳорижий адабиётлар

- 3.26. Alain Guyomarch and others. Development in France Politics, Hampshire, Palgrave, 2001,pp.164-165 -Mairi Maclean, The Mitterrand Years, Macmillan Press, London, 1998.
- 3.27. Eduard Soler I Lecha, Why Sarkozy's Mediterranean Plan Arousing Suspicious, Europe's World , Summer 2008. – P.451.
- 3.28. Furniss E. and Snayder R., “An Introduction to American Foreign Policy”. N.Y., 1995. – P.143.
- 3.29. Hans J. Morgenthau. Politics Among Nations: The Struggle for Power and Peace. NY. 1967. – P.67.
- 3.30. Hubert Vedrine. Les Cartes de la France: A l'Heure de la Mondialisation, Fayard, 2000. – P.394.
- 3.31. Sylvie Monnet, La Politique Exterieur de la France depuis 1870, Arman Colin, Paris, 2000. – P.252.

4. Даврий нашрлар

- 4.46 Андрей Маслов. Что нужно России в Африке. Март 2007.
- 4.47 Журнал, Россия и современный мир. №45, 2004.
- 4.48 Журнал, Россия и современный мир. №51, 2006.
- 4.49 Журнал, Россия и современный мир. №43, 2005.
- 4.50 Журнал “Международная жизнь” №8, 2006,
- 4.51 Журнал “Мировая экономика и международные отношения” – М., №4, 2008,
- 4.52 Журнал, Россия и мир. №35, 2005.
- 4.53 Copyright, Журнал, “Стратегия Росси”. 2004.
- 4.54 Журнал, “Россия: роль и место в мировом сообществе”. №32, 2008.
- 4.55 Ахмедов В. Ближний и Средний Восток в канун перемен: политика, государство, армия. //Азия и Африка сегодня. 2008, № 1. С.53-60.
- 4.56 Алексеева Т.А. Рациональный эгоизм национального интереса (Материалы круглого стола) // Полис. 1995.
- 4.57 Васильева Н. Французский национальный фронт и ближневосточный конфликт в 80-90-е годы // Мировая экономика и международные отношения. 2000. №9. С.93-101.
- 3.32. Деев А.С. Современная Франция: механизм формирования внешней политики. – М., 2004; Коломийцев В.Ф. Концепции и направления внешней политики Франции в 80-х гг. // Проблемы идейно-политической борьбы во Франции в новейшее время. – Брянск, 1992. – С. 123-127; Тюлин И.Г. Внешнеполитическая мысль современной Франции. – М., 2000; Зуева К. Внешняя политика Франции в эпоху «неоголизма» // Мировая экономика и международные отношения. – 2004. – №1. – С.70-79.
- 4.58 Лебедева М.М. Отечественные исследования процесса ведения переговоров: истории развития и перспективы // Вестник МГУ. Сер.8. Социология и политология. 2007.
- 4.59 Стародубов В. Россия-США глобальная зависимость. // Россия и мир. М.:Наука, 2007.

- 4.60 НП “Росафрозэкспертиза”. // Арабские страны западной Азии и Северной Африки. -2006.
- 4.61 Ben Hall and James Blitz, Command Accord Presages French return to Nato, The Financial Times, February 5, 2009.
- 4.62 Frenkel J. “The National Interest”, Chaucer press, L., 1970.
- 4.63 Katron Bennhold, Sarkozy's Proposal for Mediterranean Bloc Makes Waves. International Herald Tribune, May 10, 2007.
- 4.64 Kennan G. Morality and Foreign Policy. // Foreign Affairs. Winter 1985/86.
- 4.65 Riccardo Brizzi, The French Social Model in Times of Globalisation, International Public Policy Review ,vol.2, no.1, Fareed Zakaria, Europe Needs a New Identity, Newsweek, November 21,2005.
- 4.66 Bernard Cassen. La France hors du Consensus Europeen, Le Monde Diplomatique Janvier 2007.
- 4.67 Dominique David, France - Otan: La Derniere Marche, Politique Etrangere, Paris, IFRI, 2:2008 - Dominique Vidal, L'Alliance Atlantique a la Recherche de Nouvelles Missions: Ce que Voulait De Gaulle en 1966, Le Monde Diplomatique, Avril 2008.
- 4.68 Fabio LIBERTI, Qu'attendent les Europeens de la Presidence Francaise de l'UE ?, La revue Internationale et Strategique, no.69, Printemps 2008 -Jean- Pierre Jouyet, How France Intends to Meet all these EU Presidency Expectations, Europe's World, Summer 2008.
- 4.69 Frederic Charillon, Politique Etrangere de la France: L'Heure des Choix, Politique Etrangere, 1:2007-Thierry de Montbrial, Un Agenda deja Charge en Politique Etrangere. La Tribune, Mai, 2007.
- 4.70 Thomas Ferenczi, Le Bilan Europeen de Nicolas Sarkozy, Le Monde, 10 Decembre 2008.

5. Интернет-манбалар

5.68 Стратегия национальной безопасности Соединенных Штатов Америки от 2006 г. // Инт.:<http://www.whitehouse.gov/nsc/nss/2006/>

5.69 МИНИСТЕРСТВО ИНОСТРАННЫХ ДЕЛ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ «Потенциал России востребован в мире» // Инт.:<http://www.mid.ru>

5.70 Перспективы развития стран Северной Африки. // Инт.:<http://news.rin.ru/news//1431/16.12.2007>.

5.71 Проблемы развития стран Северной Африки. // Инт.:<http://www.arab.ru/1/12/177-278.p.3.htm>.09.12.2009.

5.72 World Bank. World Development Indicators Database. Middle East and North Africa Data Profile. 2007. // Инт.:<http://devdate.worldbank.org.external/CPPprofile>.

5.73 www.foreignaffairs.org

5.74 <http://antropotok.archipelag.ru>